КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 49 (9.241) 1999 йил 30 апрель, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуида бўлган мажлисда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида белгиланган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг сессия материалларини таълим муассасаларининг ўқув дастурларига киритиш тўғрисидаги қарорининг ижроси юзасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуи институтлари ходимларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар фаолларининг Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси юзасидан ижодий мулоқот бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунлари амалга киритилди.

◆ Республика матбуотида «Тожикистон алюмин заводи салбий таъсир қиладиган зонадаги ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштиришга бағишланган халқаро учрашув иштирокчиларининг Тожикистон Республикаси Мажлиси Олийи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаати» эълон қилинди.

◆ Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан «Украина авиалиниялари» Давлат авиакомпанияси ўртасида иттифоқ тузиш тўғрисида битим имзоланди.

◆ **Бугун** Тошкентда пойтахтнинг Акмал Икромов туманида янги теннис корти очилди. (Ана шу ҳақдаги материални газетанинг кейинги сонида ўқийсиз).

◆ Наманганда ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати ўйинлари бошланди. Унда мамлакатимизнинг ўн икки нафар спортчиси иштирок этмоқда.

◆ Бухородаги «Олимпиа» спорт мажмуида бадиий гимнастика бўйича «Ўрта Осиё маликалари» чемпионати ниҳоясига етди.

◆ **Эртага** ва индинга Тошкент шаҳар «Экосан» жамғармаси Ободонлаштириш бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Сайилгоҳ» хиёбонида «Гуллар ва манзарали қушлар» кўргазмасини ўтказади.

### ЖАҲОНДА

◆ Аввал хабар берганимиздек, Москвага ташриф билан келган Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела кеча Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашди. Кейин Россия-Жанубий Африка музокаралари ўтказилди. Шундан сўнг икки мамлакат Президентлари дўстона муносабатлар ва шериклик тамойиллари тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар.

◆ **Кеча** Москвада Россияга ташриф билан келган БМТ Бош котиби Кофи Аннан иштирокида Россия, Греция ва Канада ташқи ишлар вазирлари ўртасида минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

◆ Страсбургда Грузияни Европа Кенгашига расмий қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

◆ Фаластин раҳбарияти Фаластин давлати мустақиллигини 4 майда эълон қилишни минтақада вазиятнинг мураккаблашганлиги ва 17 майда Исроилда парламентга сайловлар ўтказилиши муносабати билан бир ойга кечиктиришга тайёр эканлигини билдирди.

◆ **Бугун** Туркияда Курд ишчи партияси етакчиси Абдулла Ўжалон иши бўйича дастлабки суд мажлиси бошланади.

◆ Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида автобус билан поезднинг тўқнашиб кетиши оқибатида камида 45 киши ҳаётдан кўз юмди.

◆ Тошкентлик иқтидорли теннисчи Ирода Тўлаганова Японияда ўтказилган «Джапан Оупен» халқаро мусобақаларида ажойиб ғалабаларни қўлга киритиб, Осиё чемпиони деган юксак унвонга мушарраф бўлди.

◆ Таиландда ғалати танлов ўтказилди. Музқаймоқни ким тез ейиш бўйича танловда 25 ёшли йигит 15 дақиқа ичида бир ярим килограмм музқаймоқни паққос туширди.

## ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



# КУРАШ БЎЙИЧА ОТА-БОЛА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

*Акобир Қурбонов 1996 йили республика Ички ишлар вазирлиги академиясини муваффақиятли тамомлаб айни чоғда шу илм даргоҳида ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.*

Милиция катта лейтенанти Акобир Қурбонов самбо кураши бўйича беш карра жаҳон, уч карра Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлган. Бу унвонларни у 1995 йилнинг сентябрь ойида Болгарияда самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида, 1995 йилнинг октябрь ойида Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида полициячилар ва милиция ходимлари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида, 1995 йил декабрь Югославияда талабалар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида, 1997 йилнинг май ойида Россиянинг Кестов шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида, 1997 йилнинг ноябрь ойида Украинада полициячилар ва милиция ходимлари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида қўлга киритган.

Акобир Қурбонов ёшлигидан худди отаси каби полвонликка қизиқиб, шу билан бирга Ички ишлар тизимида хизмат қилишни орзу қилганди. Камтарга камол, деганларидай у тинимсиз меҳнати, жонкуярлиги туфайли барча мақсадларига эришмоқда. Курашга қизиқишида ҳам илк бор отаси — самбо бўйича жаҳон ва Европа чемпиони Собир ака Қурбоновнинг хизматлари катта бўлган. Собир ака биз билан мулоқотда ўғлининг шу даражага етишида ҳам ота, ҳам устоз сифатида тарбиялаганлигини, шунингдек, ўғли табиатан қизиқувчан, тиришқоқ бола эканлигини айтди. У шунингдек, илк бор спорт усталиги унвонини 1970 йилларда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари соврини учун самбо бўйича ўтказилган мусобақада қўлга киритганлигини мамнуният билан хотирлади ва шу билан бирга ўғлига миллий кураш бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида фақат ғалаба тилади.

Биз ҳам отасининг анъаналарини муносиб давом эттираётган жонкуяр ва фидойи Акобир Қурбоновга келгусидаги фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

**Олим ҲАМРОЕВ.**

*СУРАТДА: кураш бўйича ота-бола жаҳон чемпионлари — Собир ва Акобир Қурбоновлар.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

**● 1—2 майда кураш бўйича Тошкентда ўтказиладиган биринчи жаҳон чемпионатига бағишланган махсус саҳифани «Оқшом»нинг 7-бетида ўқийсиз.**

## *Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# «ТОШКЕНТ ОУПЕН» ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 27 мартидаги 125-ф сонли фармойишига асосан, Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг 7 июнидан 15 июнигача аёллар ўртасида «Тошкент ОУПЕН» туридаги халқаро теннис мусобақаси ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Тошкент ОУПЕН» халқаро теннис мусобақасини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.*

Қарорга мувофиқ «Тошкент ОУПЕН» халқаро аёллар теннис турнирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамаси фармойишининг 4-иловасига кўра тасдиқланган «Тошкент ОУПЕН» теннис турнири сарф-харажатлар сметаси ижро учун қабул қилинди.

Оммавий тадбирлар ўтказиш дирекциясига «ITP Лимитед» компанияси билан шартнома тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан ажратиладиган (конвертация) 400.000 АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари «ITP Лимитед» компаниясига ўтказиш топширилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси зиммасига меҳмонлар учун тегишли автотранспорт воситаларини шартнома асосида ажратиш юклатилди.

Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси зиммасига

— харажатлар сметасига асосан 8.054.750 сўм миқдоридаги молиявий маблағларни теннисни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимига ўтказиш;

— ажратиладиган валюта маблағларини миллий валюта билан қоплаш мақсадида 400.000 АҚШ долларига эквивалент миқдорида бўлган ҳамда барча банк харажатлари учун керакли молиявий маблағларни Оммавий тадбирлар ўтказиш дирекциясига ўтказиш топширилди.

* * *

*«Тошкент ОУПЕН» халқаро теннис мусобақасини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди.*

Йиғилишни олиб борган Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов «Тошкент ОУПЕН» халқаро теннис мусобақасини ўтказишга тайёргарликнинг бориши ҳақида гапирди.

Йиғилишда «Динамо» теннис мажмуаси, «Тошкент почта» ишлаб чиқариш бошқармаси, Ободонлаштириш, Ички ишлар, Маданият ишлари, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, Бизнес марказ, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Оммавий тадбирлар ўтказиш дирекцияси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Тошкент шаҳар вакили бошқармаси, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти, «Тошшаҳарнури» корхонаси зиммасига халқаро турнирни ўтказиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Эркин Эрназаров, Рустам Шоабдураҳмонов қатнашди.

# ЭСЛАШ, ЭЪЗОЗЛАШ — САВОБ ИШ



# 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни

***Дўстларни, умуман, инсонларни хотирлаш савоб иш. Агар Бердибой ака Эргашев ҳозир орамизда бўлганида биз уларни қутлаб барча мақтов ва сийловларимизни битардик. Афсус, умрлари қисқа экан. Лекин Бердибой акани қисқа умр кўрган бўлса ҳам жуда кўп хайрли ишларини амалга оширишга улгурган инсон деб биламиз.***

Ёднома

## ОРАМИЗДА ТИРИКДЕК



Бугун уни билган, кўрган, биргаликда ишлаганлар бу ҳокисор, фидойи инсонни фақат яхши хислатлари билан эслашади. .

Бундай қараганда Бердибой аканинг ҳаёт саҳифаси ҳам кўпчиликники сингари жуда оддий. Кутубхоначи, кўп нусхали газетанинг муҳаррири, сўнгра мактабда ўқувчилар етакчиси, ўқитувчи бўлиб ишлади.

1967 йили ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетини тугатди. Бердибой ака мактабда ўқиб юрганидаёқ, газеталарга мақола ёзиб турарди. Ёшликдан журналистикага бўлган ихлос уни республика газеталарида ишлашга ундади. 1968 йили «Ёш ленинчи» газетасида мухбир, кейинчалик эса «Ленин учқуни» газетасида бўлим мудири бўлиб ишлаб, кўплаб публицистик чиқишлар қилди.

Бердибой ака жуда ҳам болажон инсон бўлиб, уларнинг руҳиятини яхши билар, қисқача айтганда бола билан тиллаша оларди. Шунинг учун кўпроқ болалар тарбияси мавзуида қалам тебратиб ўта муҳим муаммоларни кўтариб чиқарди. Айниқса кўча ва йўлларда болалар ҳаётини асрашдек муаммо билан кўпроқ шуғулланди. Ўзи елиб-югуриб мактаб, маҳаллаларда ана шу мавзуда учрашувлар ўтказиб, кечиктириб бўлмайдиган бу масалага кўпчиликни жалб қила биларди. Ўша пайтдаги республика ёшлар ташкилоти, халқ таълими, автомобиль транспорти, Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари билан келишиб «Светофор» ўйин-викторинасини ташкил этди.

Бердибой ака сермаҳсул ижодкор эди. Нафақат «Светофор» кўрсатуви билан чекланиб қолди, балки «Ўсмир ва қонун», «Ҳаракат хавфсизлиги учун» кўрсатувларида ҳам мунтазам чиқишлар қилиб, болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва камайтириш учун бутун кучини аямади. Бундан ташқари республика радиосида «Оқ йўл» радиожурналини ҳам олиб борарди. Бердибой аканинг газеталарда чиққан ана шу мавзуга бағишланган мақолаларининг сони уч юздан ошиқдир. 20 йилдан ортиқ республика телевидениесида «Светофор» кўрсатувини олиб борди.

1977 йилда Бердибой ака Эргашевни Ички ишлар вазирлигига ишга таклиф этишади. Масъулиятли ишда хизмат қилишига қарамасдан у ижод қилишни бўшаштирмади. 15 дан ортиқ илмий-методик, илмий-оммабоп китобларни нашр қилдиради. «Яшил чироқлар», «Йўлингиз бехатар бўлсин», «Эҳтиёт бўлинг, болалар», «Белгилар йўл кўрсатади», «Зангиотанинг қизи» китоблари шулар жумласига киради. 1994 йил саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли пенсияга чиқишига қарамасдан ижод қилишни тўхтатмади.

Бердибой ака нафақат яхши ижодкор, балки оилада яхши ота ҳам эди. Умр йўлдоши Саноат опа билан саккиз фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Фарзандларидан Шуҳратжон ота изидан бориб, унинг касбини танлади. Ҳозир Тошкент шаҳар ИИББ Давлат автомобиль назорати бошқармаси тарғибот ва ташвиқот бўлимида хизмат қилади.

Ёшлигимизда унинг кўрсатувлари бизни ўзига мафтун этиб анча вақтгача экран қаршисидан кетолмасдан қолардик. Ана шу тасвирлар ҳозир ҳам бизнинг кўзимиз олдида намоён бўлаверади. Гўёки, ҳозиргина у киши экрандан туриб биз билан саломлашгандек бўлаверади. Зеро, яхши одамлар ҳаётдан кўз юмганидан кейин ҳам гўёки орамизда тирикдек.

**Мирза АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар**
**ИИББ ходими.**

# ОНА СОҒИНЧИ

### (Қатра)

***Илк баҳор кезлари қуёш чарақлаб турган дам олиш кунларида ойижоним: «Ўғлим, бугун машинангда далани бир сайр қилдириб келмайсанми», деб сўраб қолардилар. Мен мўлжалдаги ҳар қандай ишдан воз кечиб бўлса ҳам уларнинг бу таклифини бажонидил қабул қилардим...***

Бир зумда сафар тараддуди бошланиб кетарди. Уйдагилар дарҳол ойимнинг қўлларига бирон бир идиш ёки сумка тутқизишарди. Бироқ ойижоним ўз билганларидан қолмасдилар. Улар дадамдан ёдгорлик бўлиб қолган халтани беркитиб қўйган жойидан олиб чиқардиларда, авайлаб қўлтиқларига қистириб олардилар.

Ҳар эрта баҳор чиқавериб, бизга қадрдон бўлиб қолган сайхонлик томон борарканмиз, ойим йўл четидаги дарахтлардан кўзларини узмасдилар.

— Бу йил баҳор эрта келди. Қара, ўрик дув гуллабди, — дердилар ниҳолларга завқ билан тикилиб.

Манзилга етиб келгач ойижоним дарҳол ерга тиз чўкиб мени ҳам ўтиришга ундардилар-да, қўлларини дуога очиб юзларига фотиҳа тортгач, менга қараб: «Бу ер кўп қон тўкилган жой. Бегуноҳ бандаларнинг кўпчилигининг ҳоки шу ерларда ётибди», — дердилар бир нарсани эслагандек тепаликка тикилиб.

Хуллас, барча расм-русумлар ўрнига қўйилгач, ойим иккаламиз енг шимариб ишга киришардик. Бундай пайтларда ихтиёрим тамоман у кишининг измида бўларди. Ойижонимнинг кўрсатмаси билан номлари қайд этилган доривор кўкатларни топиб терардим.

Сафар халтамиз «ўлжа»ларга тўлгач, чала-чулпа тушлик қилиб олгач, орқага қайтардик. Уйга келишимиз билан таом тараддуди бошланиб кетарди. Кечқурун ойим биз ака-укаларнинг олдига бир лагандан кўк чучвара қўярдилар-да: «Кўкда хосият кўп. Тўйиб олинглар болаларим», дея қайта-қайта уқдирардилар. Кейин жон ҳолимизга қўймай, лагандаги чучварани битта қолдирмай ейишга мажбур этардилар.

Ойижонимнинг бу ҳолатларини кўриб болаликдан ўчмас хотира бўлиб қолган бир воқеани эслаб кетардим...

Уруш ниҳоясига етиб қолган кунлар. Оилада 6 киши эдик. Дадам, ойим, уч акам ва мен. Ҳар куни эрталаб новвой қўшнимизникидан олиб чиқадиган икки дона шапарак нон мана шу 6 киши ўртасида тақсим қилинарди.

Акаларим ишга барвақт кетишарди. Ойим саҳарлаб турардиларда, чой қайнатиб, уларни едириб-ичириб жўнатардилар. Кейин дадам чойга турарди. У иштаҳа билан ҳай-ҳайлаб чой ича бошлаган кезларда ойижоним олдиларидаги ўз улуш — нонларини дадамнинг олдига суриб қўярдилар. Дадам ойимга синчков тикилиб: «Ўзинг-чи, ўзинг емайсанми?» дердилар.

— Нега ўзим емас эканман, — дерди ойим кулиб. — Сизга ўхшаб тушгача ётаманми ястаниб. Эрталаб ўғилларингиз билан мириқиб чой ичиб олганман. Олинг, ош бўлсин, дадаси. Ахир сиз кечгача тик оёқда туриб кетмон чопасиз. Ҳар қалай мен уйдаманку. Яхшиси тушликда уйга кела қолинг. Картошка қайнатиб, майдалаб пиёз тўғраб қўяман. Биргалашиб тушлик қиламиз.

Мен кенжатой — ойижонимнинг эркаси эрталаб уйғониб барча гапларни эшитиб ётган бўлсам ҳам, ҳаммадан кеч турардим. Ювиниб келганимдан сўнг ойим айланиб-ўргулиб дастурхонга ўтказардилар-да, улушимни олдимга суриб: «Ол ўғлим, тўйиб ол. Қорнинг тўқ бўлса, ақлинг пешланади. Дарсларни яхши тинглайсан. Қорни оч одамнинг қулоғига ҳеч нарса кирмайди», дердилар.

Шундан баъзан ойижонимга раҳмим келиб кетардида: «Ўзингизчи, нега ўзингиз ҳеч нарса емайсиз», десам, ойим: «Вой жиннивой, мен даданг билан тўйиб чой ичиб олдим-ку», дея майин жилмайиб аста бошимни силардилар.

...Кеча ойижонимни туш кўрибман. Қўлларида ўша қадрдон халта. У кўкатлар билан тўла эмиш. Уйғониб кетдим. Хаёл олиб қочди. Дарвоқе аллақачон баҳор келиб далалар турли кўкатлар билан қопланса ҳамки, шу вақтгача тузук-қуруқ тўйиб кўк чучвара емабмиз.

Эрталаб чойдан сўнг хотинимга: «Халтани олиб кел, далага чиқиб кўкат териб келамиз. Кечқурун кўк чучвара қиласан», — дедим.

Хотиним ҳаммасига тушундию, бирдан хомуш тортиб: «Ҳа-я», деб қўйди. Кейин деворга осиб қўйилган ойижонимнинг суратларига узоқ термулди.

— Агар ойижоним раҳматли бўлганларида, — дедию томоғига бир нарса тиқилгандек жим бўлиб қолди. Кўзларида маржон-маржон ёш кўринди.

Иккаламиз узоқ жимиб қолдик. Ҳа, онажонимизнинг қадри бугун жуда-жуда билиниб қолганди. Билмадим, ҳаётимда унинг қадри яна неча-неча марталаб ўтаркин?

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**



*Тамарахоним халқимизнинг севган санъаткорларидан бири эди.*

Тадбирлар

## МАРОҚЛИ АНЖУМАН

***«Маънавият ва маърифат» маркази Собир Раҳимов тумани бўлими томонидан таниқли шоир ва ёзувчилар билан турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиб турилади.***

Яқинда шу бўлим ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Сен доим қалбимдасан, жигарим» мавзуида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, шоира Шарифа Салимовалар ҳамда туман фаоллари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳаётимиздан ўрин олган яна бир ажойиб умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ҳақида ўз фикрларини билдириб, бу кунда биз мана шу мустақиллигимизни қандай йўқотишлар эвазига қўлга киритганлигимизни эслаш, ўтганлар хотираси ишимизда мадад бўлишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, халқимизнинг севикли шоирлари ўзларининг янги ёзган шеърларидан ўқиб қатнашчилар қалбига янада завқ бағишлашди.

**Одил ҲАСАНОВ.**

## ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

# СОЛИҲ НАВЖУВОН САРГУЗАШТИ

**(Давоми. Боши газетанинг 46-сонида).**

Солиҳ навжувон тушнинг бирини таъбири бўлса керак деб, йўлга равона бўлдилар. Манзил баманзил юриб, бир улуғ сувга етдилар, кемасиз ўтса ҳам бўлур эрди. От бирлан кечиб ўтиб борур эрдилар. Сув мусаффо эрди, тошлари кўринур эрди. Ҳар ранг покиза тошлар кўп бўлиб, аларни ичида қизил ранги ҳам бор эрди. Малика Солиҳ навжувонга дедиким, бул қизил ранг тошлардан олинг! Солиҳ от устидан энгашиб икки дона лаълни олди ва сув ёқасида отдан тушиб ором олишга машғул бўлдилар. Истироҳатдан сўнг яна отларга миниб йўлга равона бўлдилар. Ниҳоят бир шаҳарга етиб бориб, бир ерга тушиб дам олгач, малика амр айладиким, бул шаҳарнинг ўрта еридан бир ҳовли топинг, иморатлари яхши, сувлари жорий бўлсин баҳосига қайишманг, дарҳол олинг деди.

Солиҳ навжувон вилоят доруғасига (бошлиғи) учраб, уни дуо қилгач менга бир ҳовли олиб беринг, кўчим ҳам бордур деди. Вилоят доруғаси (бошлиғи) Солиҳ айтганидан ҳам зиёдароқ ҳовлини баъй қилиб олиб берди. Солиҳ ҳовли дарвозасига қулф солиб бориб маликани олиб келди. Маликага ҳовли маъқул бўлди. Ул кеча ўтди, эртаси рўзғорга зарур анжомларни муҳайё айлади. Канизлар ва ғуломлар (қул) олиб уларни бир-бирига никоҳлаб қўйдилар. Муддатлар ўтиб бир улуғ тўй қилиб, юртга ош бериб, маликани Солиҳ навжувонга ақд айладилар.

Яна бир неча кунлар ўтди, бир куни малика дедиким, эй ёри меҳрибон энди ул икки дона лаълни бу вилоятнинг подшоҳига пешкаш қилиб келинг деди. Солиҳ навжувон хўб бўлғай деб, отга миниб доруға ҳузурига бориб, шоҳ ҳузурига кирмак истагини билдирди. Доруға Солиҳ навжувон бирлан бирга келиб вазирга мурожаат қилдилар. Вазир эса шоҳдин ижозат олиб, Солиҳни шоҳ ҳузурига олиб кирди. Солиҳ навжувон икки дона лаълни шоҳга пешкаш қилди. Шоҳнинг таъби хуш бўлиб, Солиҳга инъом ва саруполар бериб, саройдин махсус ўрин тайинлади. Энди Солиҳ навжувон ҳар куни саройга бориб, ўз ўрнида ўлтириб, шоҳга салом бериб келур эрди.

Бир куни малика Солиҳ навжувонга бир рўмол берди. Солиҳ рўмолни белига боғлаб саройга саломга борди, шоҳнинг кўзи рўмолга тушиб, эй Солиҳ рўмолингни менга бергил деди. Солиҳ рўмолни белидан ечиб шоҳнинг олдига қўйди. Шоҳ олиб кўрдиким мундоқ жоду фирб рўмол оламда топилмагай. Аркони давлат рўмолни бир-бир томошо айладилар. Охир шоҳ рўмолни ҳарамга олиб кириб ҳамма маликаларга ва кайвонийларга кўрсатди. Сизлар ҳам шундоқ рўмолни тайёрлаб беринглар деди. Ҳамма хотинлар бир-бир кўриб дедиларким, шоҳо бу иш одамизод қўлидан келмас, бу ҳунарнинг соҳиби магар паризоддур деб, жавоб бердилар. Шоҳ саройга чиқиб Солиҳ навжувондин яна сўрадиким бу рўмол сенинг қўлингга не ердин тушди? Солиҳ жавоб бердиким ўз уйимда тикгандурлар. Шоҳ вазирларга машварат айладиким, ушбу рўмолни тикувчиси нечук эркан деб, кўп мулоҳазалар қилиб, ниҳоят икки заифани пинҳона буюрдиким, Солиҳнинг уйига бориб ҳақиқатни билиб келғайлар. Ул икки заифа бориб кўрдиларким, дарҳақиқат бу замонда бундай соҳибжамол асло топилмағай. Улар шоҳга андоғ тавсифлар қилдиларким, шоҳ ғойибона мажкунвор бўлди, ороми бузилди. Вазирлар шоҳ аҳволини кўриб дедиларким, эй шоҳ сабр қилинг, бир тадбир қилурмиз деб, тасалли бердилар. Ул куни ўтди, Солиҳ яна саломга борди. Вазирлар дедиларким, эй Солиҳ навжувон ул лаъл порадин шоҳга яна бир жўра даркор бўлибдур, бул хизмат сизгадур деб, саруполар бериб чиқардилар.

Солиҳ навжувон паришон ҳолда малика ҳузурига келди. Малика билдики Солиҳ паришондур. Малика Солиҳга боқиб эй ёри ғамгуз орим паришон бўлмагил, асло ғам емагил деб, воқеани сўради. Солиҳ яна бир жўра лаъл пора ҳақида баён қилди. Малика бу осондур, йиламағил деди. Бул кеча ўтди, эрта бирлан туриб малика сафар асбобини тайёрлаб, қандли кулча ва таомлар тайёрлаб, хайрлашув асносида дедиким, ул дарёким лаълни андин олиб эрдик, ул дарё лабига боринг, сув келиш тарафига дарёни ёқалаб боринг, ул дарёни ўртасида бир тоғ кўринур, бир тахта кўприк бордур, кўприкдин ўтиб қарасангиз бир олий қаср кўринур, ул қасрдаги гумбаз ичига кирсангиз бир тахт бордур, тахт устида занбурий пардага ўралаб бир малика ётибдур. Унинг тепасида бир лавҳ осиғликдур. Ушбу лавҳани ташқарига олиб чиқиб қўйсангиз, ул малика уйғонур ва лаъл пораларни ундан талаб қилинг деб, жўнатди.

Солиҳ навжувон йўлга равона бўлди. Алқисса, ул дарёга етиб, юқорилаб юриб борур эрди. Бир неча кунларда ул тоғ ёнидаги тахта кўприкдан ўтиб қасрга етди ва гумбаз ичига кирди. Тахт устида бир париваш уйқуда ётибдур. Солиҳ навжувон тахт тепасидаги лавҳни олиб ташқарига чиқариб қўйди. Шу аснода тахт узра ётган гўзал акса уриб ўрнидин турди ва салом берди. Малика Солиҳ навжувонга боқиб, бул ерларга нечук қадам етказдингиз деди. Солиҳ бошдан оёқ қиссасини баён этиб дедиким, уч-тўрт дона лаъл пора керакдур деди. Малика Солиҳга табассум билан боқиб, ҳозир айни вақтидур, бул дарёга киргил ва керагича олгил деди. Солиҳ дарҳол дарёга тушиб энг мусаффо лаъллардан бир хуржин олиб малика олдига келди. Малика яна Солиҳни бошдан-оёқ назардан ўтказиб, дедиким, эй йигит Сиймона жоду қайдадур? Мен шоҳ парининг ёлғиз нуридийдасиман, исмим Лаълия бонудир. Бу лаъл поралари мавжуддур, ҳар вақт димоғимдан қатра-қатра қон бу дарёга томар, Оллоҳ таолонинг қудрати билан Лаъл порага айланур. Аввалги олган Лаъл ҳам шул Лаъл пораларидандур. Отам Шоҳ пари неча марта дев ва парилар бирлан лашкар тортиб келдилар, бул жодудин мени ажратиб ололмадилар, шикаст топиб кетдилар. Агар ҳиммат қилсангиз, мени бул жодудин халос қилсангиз яхши бўлур эрди деди. Солиҳ навжувон таъзим билан хуш бўлғай, хизмат бўлса буюрсинлар деди. Малика кўрдиким Солиҳ навжувоннинг пешонасида иқболу давлат ҳувайдодур, бинобарин, малика Солиҳга қараб, дарёнинг ул юзида бир беша (дарахтзор) бордур, бу кечани ўша ерда ўтказгин, эртага шул вақтда бу ерга келгил, шоядки, бирор нажот йўли топилса деди. Солиҳ ул лавҳни олиб кириб тахтнинг тепасига илди. Малика беҳуш бўлиб қолди. Солиҳ бешага бориб, бул кечани ўткарди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ**
**тайёрлади.**

**(Давоми бор).**



*Дўппи кийган азиз бошингиз омон бўлсин...*

*Ибратнома*

# ТАШҚАРИГА ҚЎЙИБ ЮБОРСАНГИЗ

● Ичкиликка берилган оналарнинг туққан болалари бу борада ўз оналарига ўхшаш бўладилар.

**АРАСТУ.**

● Мастлик — девоналик ва дарбадарликдир.

**КАЙКОВУС.**

● Ичкилик болаларнинг касалманд ва нимжон бўлиб ўсишларига сабабчидир.

**ГИППОКРАТ.**

● Арақ шиша идишдан бошқа ҳамма нарсани бузади.

**Абхаз мақоли.**

● Ичиладиган арақнинг биринчи қадаҳи соғлиқ учун, иккинчиси — кайфият учун, учинчиси — сурбетлик учун, тўртинчиси ақлдан озиш учун ичилади.

**ХЎЖАНДИЙ.**

● Ичкиликбозлик инсон, жамият ва давлатнинг энг ёмон душманидир.

● Бадмастлик дамо-даш ичмоғидин на баҳри, одамийлик қатлиға ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.

**Алишер НАВОИЙ.**

● Аҳмоқ ақллини ёқтирмагани каби, соғ мастга ёмон кўринади.

**Немис мақоли.**

● Бу лаънати шайтон идиш ичида тинч ва осойишта ўтиради. Аммо агар уни ташқарига қўйиб юборсангиз, май билан бирга томоқдан ўтиб, ҳатто филни ҳам худди масхарабозлардек ўйнатади.

**САЪДИЙ.**

● Маст кишини одам деб бўлмайди, чунки у инсонни ҳайвондан ажратадиган нарсасидан — ақлдан айирган бўлади.

**Т. ПЭН.**

● Кўп ичадиган киши сир сақлай олмайди ва берган ваъдасига вафо қилмайди.

**М. СЕРВАНТЕС.**

● Ичкиликка ўргатиб, охир пиёниста қилиб, ўзларидек соғни ҳам қилдилар чўлоғлар.

**МУҚИМИЙ.**

● Ичкилик нафосатни ўлдиради, май ёшликни қисқартиради.

**ГОРАЦИЙ.**

● Ҳамма ногиронлардан кўра майхўрлик одам зотига зиддир.

**В. СКОТТ.**

● Кетма-кет маст бўлиш жуда ёмондирки, жигарни ва мижозни бузади, асабни кучсиз қилади. Асаб касалликларини, сакта касаллиги ва тўсатдан ўлишни келтиради.

**Абу Али ибн СИНО.**

● Ичкилик балонинг эшиги, сен ўша эшикка бош суқишдан эҳтиёт бўл.

**Абу Аъло АЛ-МААРРИЙ.**

● Болаларга оз-оздан бўлса ҳам спиртли ичимлик бериб туриш жиноятдир.

**ЦИГЕН.**

**Тўпловчи: Фахриддин НУРИДДИНОВ, кекса педагог.**

*Танловлар*

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Ҳамза тумани ижтимоий-таъминот бўлими ходимлари ўртасида «Йилнинг энг яхши ижтимоий ходими» кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Гўзал шеър, қўшиқлар, бадиий кўринишлар билан бошланган кўрик-танловда туман ижтимоий таъминот бўлимидан етти нафар ходим ўзаро беллашди.

Иштирокчилар танлов шартларини муваффақиятли бажариш билан бирга ўзларини рўзғордаги юмушларни билишлари, санъатлари билан ҳам қатнашчилар қалбидан жой олдилар.

Танлов шартлари бўйича 44 очко жамғарган Мавжуда Шаматова биринчи ўринни, Назокат Алиева эса 43 очко жамғариб иккинчи ўринни, Алла Юдина 41 очко жамғариб учинчи ўринни эгаллашди. Ғолибларга турли совғалар берилди. Бундай кўрик-танловлар фақат ходимларни рағбатлантириб қолмай, балки уларнинг масъулиятини оширишда катта кўмак беради.

**Очил ҲАЗРАТОВ.**

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 4-бетда).

10.25 «Мазаси оғзингда қолади» кўрсатуви.
10.50, 13.45, 16.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
11.00, 20.00 — «Даҳшат йиллари». Сериал.
12.10 ТВ-6 кинотеатри. Лоренцо Ламас «Устомон полициячи» фидьмида.
16.10, 02.50 — «Сифат белгиси».
16.40 «Шаддод Роза». Сериал.
17.35 Ўсмирлар учун сериал. «Итхона».
18.00, 00.40 — «Диск-канал».
18.30, 22.35 — «Одамлар оламида».
19.35 «Бу қонуниймикан?» Ҳажвий сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «Мен ўзим» ток-шоуси.
23.05 «Қотил даъвати». Сериал.
00.15 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.20 «Қизил туфлича кундаликлари». Сериал.
02.00, 02.15 — «Севсанг-қара». Видеоклиплар.

## ПАЙШАНБА, 6

### ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 44-қисм.
10.00,12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 Япон тили.
10.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
11.00 Хотира ва Қадрлаш кунига. «Хизматни ўтай туриб...».
11.20 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
11.45 «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.05 «Сайқал».
12.25 Узбек куйларидан концерт.
12.55 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 10-қисм.
14.10-14.35 «Зиё».

*

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Хоразм» (Урганч) — «Пахтакор»(Тошкент), «Суғдиёна»(Жиззах) — «Навбаҳор» (Наманган).
17.30 Болалар учун. «Умид учқунлари».
17.50 Янгиликлар
18.00 Эстрада тароналари.
18.20 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Соҳибқирон». Видеофильм. 1-қисм.
22.30 «Қўшиққа кўчган сатрлар». М.Тоир.
23.05 ЎзТВ экранида биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-8 сериялар.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Футбол майдонларида».
00.35 «Сомон йўли».
01.050-01.10 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 44-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Мезон».
19.50, 20.20, 23.00. Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Эзгуликка бахшида умр». Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
20.40 «Яхши дам олинг».
20.55 Ўзбек мумтоз шеъриятидан.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 Дониёр Тошмуҳамедов куйлайди.
21.55 «Мулоқот».
22.10 «Бегойим».
22.35 «Мусиқий глобус».
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «Ажойиб товур».
00.35 «Хайрли тун !»

### ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Болалар олами».
18.25 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Эстрада куйларидан концерт.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Неблина». Телесериал.
23.35 «Жаҳон спорти».
23.50 Тунги пойтахт.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ.
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси 6.30-8.00

*

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари»(инглиз тилида).
15.40 «Дил изҳори».

*

16.00 «Севги йўлида». Сериал.

*

17.00 «Спорт клуб».

*

17.15 «Куйини топинг».

*

17.50 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Бўри ва тулки». 2-серия.
18.05 «Уорлднет» янгиликлари.
18.15 Питер О,Тул «Мададкор руҳ» фильмида.
19.40 Клип антракт

*

Россия жамоат телевидениеси
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.0 «Время».

*

20.35 «Мерос» .Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30. «СНН-шоу».
21.45 « Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф:Режиссер Ф. Копполнинг «Коттон» клуби» фильми.
00.35 «Ахборот».(рус тилида).
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқийдам олиш дастури.
9.30 «Таниш чеҳралар». Дам олиш дастури.
10.00, 13.50, 18.00, 20.10, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Калтафаҳмлар». Ўсмирлар учун сериал.
16.25 «Карапуз-ТВ».
16.45 «Жаҳон ринги юлдузлари 30-да». Спорт дастури.
17.15 «Эҳтирослар асирлигида». Сериал.
18.20 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.30 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
19.00 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.45 Спорт шарҳи.
20.35 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Умрбод». Сериал.
24.00 Тунги мусиқий-дам олиш канали.

### РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
9.20 «Инсон ва қонун».
10.05 «Саёҳатчилар клуби».
10.50 «Хонаки кутубхона».
11.15 «Биргаликда» дастури.
12.00 Вия Артмане, Иван Переверзев «Матонатли кишилар» саргузашт фильмида. 2-серия.
13.45 Мультфильм.
14.15 «Коинот полицияси». Сериал.
14.45 «Сеҳрли олам ёки Синема».
15.00 «Сезам кўчаси».
15.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.15 «Куйини топинг».
17.50 «Йўқотилганларни излаб...» Клавдия Шульженко. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
18.30 Галина Польских ва Николай Олянин «Орқага йўл йўқ» фильмида. 2-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Бор эканда, йўқ экан, бир полициячи бўлган экан» комедиясида янги полиция академияси.
22.05 Концерт.
22.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Россия — Финляндия терма командалари. Норвегиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (00.35) — «Аммо...».

### РДТ

6.00—8.45 «Хайрли тонг, Россия!».
6.20 «Ҳамманинг оғзида».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Телеўйин.
7.20 «Ле Монти» савдо уйи.
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.10 «Миледи». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.25 — «Вести».
10.35 Ғалаба кунига. «Россия урушда. Қордаги қон». Ҳужжатли сериал. 5-фильм.
11.30 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
12.30 Мультсериал.
12.45, 15.15 — «Мусиқа, мусиқа...».
13.30 «Мафтункор». Болалар учун телесериал.
14.25 «Бойлар ва машҳурлар». Телесериал.
15.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Минора».
17.00 «Гомеопатия ва саломатлик».
17.10 «Майор Вихрь». Телесериал. 2-серия.
18.30 «Стриндберг руслар кўзи билан». 1-фильм.
19.30 «Тафсилотлар».
19.45 «Икки рояль».
20.30 Татьяна Васильева, Владимир Ильин ва Алексей Жарков «Оқ қирол, қизил қиролича» мелодрамасида (Россия — Швейцария).
22.10 «Иш кўрилмоқда». Маслаҳатчиларнинг телевизион суд мажлиси.
23.35 «Қизиққон ўнлик».

### ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.20, 23.50 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6».
10.10, 00.20 — «Кимки...»
10.25 «Сиз—шоҳидсиз».
10.50, 13.45, 16.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
11.00, 20.00 — «Даҳшат йиллари». Сериал.
12.10 «Найтмен». Сериал.
12.55 Қотил даъвати». Сериал.
16.10, 01.35 — «Сифат белгиси».
16.45 «Шаддод Роза». Сериал.
17.35 Ўсмирлар учун сериал. «Келли».
18.00, 00.35 — «Диск-канал».
18.30, 22.30 — «Одамлар оламида».
19.35, 02.05 — «Бу қонуниймикан?». Ҳажвий сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «ОСП-студия».
23.00 «Вавилон-5». Сериал.
00.05 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.10 «Қизил туфлича кундаликлари». Сериал.
01.45 «Севсанг-қара». Видеоклиплар.

## ЖУМА, 7

### ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
9.00 «Зийнат».
9.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.50 «Зор интизор». Бадиий фильм.
12.05 «Сомон йўли».
12.35 «Инсон ва қонун»га хатлар.
12.50 «Оламни асранг!»
13.15 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-8 сериялар.
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30-15.00 «Диёр».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Хотира ва Қадрлаш кунига: «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Шарқнинг машҳур аёллари».
19.05 «Имконият»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим»
21.25 «Соҳибқирон». Видеофильм. 2-қисм.
22.20. «Муҳаббатим соғинчи». Мусиқий дастур.
22.50 «Оила». Тележурнал.
23.20 «Халқнинг кўнгли».
23.40 «Ахборот».

**«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.**

00.10 «Момо ер». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Дунё ва болалар», Мультомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият». Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Талабалар шаҳарчаси».
19.50 «Далил ва шарҳ». Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
20.05, 20.35, 23.25. Эълонлар.
20.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.40 «Хужжатли кино бисотидан: «Биринчи тайм». «Пахтакор» футбол командаси хотирасига.
20.55 «Созим - дил розим».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.00 «Азизим».
22.25 «Спорт ҳафтаномаси».
22.45 «Шарқ оҳанглари».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 «Лайлони хотирлаб_».
23.30 Синема. «Дейзи хоним».
02.20 «Мунаввар тонг истаб».

### ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Саодат калити».
11.30 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
12.00 -13.40 «Кинонигоҳ».

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.30 «Челенджерс. Фавқулотдаги вазиятлар». Телесериал.
19.20 Ёқимли оҳанглар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақслар жилоси».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшомида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.05 «Гиннес-шоу».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Неблина». Телесериал.
23.35 Ҳар жумада.
23.40 Тунги пойтахт.
23.55 «Тунчироқ». Дам олиш дастури.
00.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.30 «Кинонигоҳ» .
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси 6.30-8.00

*

14:00-15:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15:10 «СНН.Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида).
15.40 «Бу ажиб дунё».

*

16.00 «Севги йўлида». Сериал.

*

17.00 «СНН-шоу»

*

17.15 «Джентельмен-шоу.».

*

17.55 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Холл хола». 1-серия.
18.10 «Сира ўндай қилма». Кинокомедия.

*

Россия жамоат телевидениеси
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

20.35 «Мерос».Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Муҳаббат кучи». Мелодрама.
00:05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 Тунингиз осуда бўлсин!

### 30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқийдам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.50, 18.00, 20.10, 01.40 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Калтафаҳмлар». Ўсмирлар учун сериал.
16.25 «Карапуз-ТВ».
16.45 «Висол». Мусиқий дастур.
17.15 «Эҳтирослар асирлигида». Сериал.
18.30 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
19.00 «Сенсиз яшай олмайман». Сериал.
19.45 Спорт шарҳи.
20.35 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Умрбод». Сериал.
24.00 «Ҳафта фильми».

### РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 Евгений Петросяннинг «Кулги панорамаси».
9.55 «Йўқотилганларни излаб...» Клавдия Шульженко. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
10.30 «Смак».
10.50 «Хонаки кутубхона».
11.15 «Биргаликда» дастури.
11.55 «КВН-99».
14.15 Биринчи канал премьераси. Лариса Гузеева ва Юрий Кузнецов «Сени биринчи бўлиб мен кўрдим» фильмида.
15.25 Мультфильм.
17.15 «Жентльмен-шоу».
17.55 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 Галина Польских ва Николай Олянин «Орқага йўл йўқ» фильмида. 3-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Андрей Болтнев «Тўлкинларда» детектив фильмида.
22.05 Людмила Зикина куйлайди.
22.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. Танаффус пайтида (00.35) — «Аммо...»

### РДТ

6.00—7.45 «Хайрли тонг, Россия!».
6.20 «Ҳамманинг оғзида».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Телеўйин.
7.15 «Минг бир кун».
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.05 «Миледи». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.05 — «Вести».
10.35 Ғалаба кунига. «Россия урушда. Қордаги қон». Ҳужжатли сериал. 6-фильм.
11.30 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
12.30 Мультсериал.
12.45, 15.15 «Мусиқа, мусиқа...».
13.30 «Мафтункор». Болалар учун телесериал.
14.25 «Бойлар ва машҳурлар. «Телесериал.
15.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Минора».
17.00 «Гомеопатия ва саломатлик».
17.05 «Майор Вихрь». Телесериал. 3-серия.
18.30 «Стриндберг руслар кўзи билан». 2-фильм.
19.30 «Тафсилотлар».
19.45 «Аншлаг» ва Ко.
20.50 Радио кунига бағишланган концерт.
22.30 «Подиум д'Арт».
23.45 Збигнев Запасевич, Петр Фрончевский «Баритон» психологик драмасида (Польша).

### ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.20, 00.15 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6».
10.10, 00.40 — «Кимки...»
10.25 «СВ-шоу».
10.50, 16.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
11.00, 20.05 — «Даҳшат йиллари». Сериал.
12.10 «Бизнинг мусиқа». Валерий Леонтьев.
13.10 «Вавилон-5» Сериал.
16.10 «Сифат белгиси».
16.45 «Шаддод Роза». Сериал.
17.35 Ўсмирлар учун сериал. «Келли».
18.00 «Диск-канал».
18.35 «Одамлар оламида».
19.35, 02.05 — «Бу қонуниймикан?». Ҳажвий сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «Обоз».
22.25 ТВ-6 кинотеатри. Николас Кейдж «Эймос ва Эндрю» комедиясида.
00.30 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.00 «Радиохит».

## ШАНБА, 8

### ЎзТВ I

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони».Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари».
9.35 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».

**«Умид» намойиш этади:**

9.50 «Оқибат».
10.10 «Кўзгу».
10.30 «Она қалби» .Теленовелла.

*

10.50 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».
11.10 «Санамлар сарвари».Телетанлов.
11.50 «Бўстон».Тележурнал.
12.20 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.55 «Телевизион миниатюралар театри».
13.35 «Шоҳрух клуби».
14.05 Ойбек. «Қизлар». Видеофильм.
14.45-15.00 «Замин қадри».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Хотира ва қадрлаш кунига: «Уйғоқ кунлар».
18.25 «Иқтисод ва биз»
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соҳибқирон». Видеофильм. 3-қисм.
22.10 «Қишлоқ ҳаёти».
22.30 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
23.30 «Ахборот».

**«Тунги ёғду» Дам олиш дастури:**

24.00 Куй ва тасвир.
00.20 «Ғаройиб коллекционер». Бадиий фильм..
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Сурур» Мусиқий дастур.
11.00 «Хотира майдони».
11.20 «Тинчлик маданияти».
11.50 «Бухоройи Шариф». Мусиқий фильм. 1-қисм.
12.15 «Лаззат».
12.35 «Рамаяна». Телесериал.
13.10 «Ракурс».
13.35 «Эски альбомдан».
13.40 «О,ёшлигим».
14.00 «Мусиқий лаҳзалар».
14.05 «Сир».
14.25 «Ўтган кунлар». Соҳибқирон Амир Темур. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
14.45 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
15.30. «Эгиз қўшиқлар».
15.50 Синема.
17.20 «Каталог»
17.30 «Эски альбомдан».
17.35 «Очун». Ботир Зокиров.
17.55 «Ёшлар телеканалида».

* * *

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», Мультомоша)
18.35 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Хуш келибсиз».
19.50, 20.30, 23.30. Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 Ўзбек мумтоз шеъриятидан.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Туйғу». Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади.
21.55 «Аждодлар хотираси».
23.10 «Кинотақдим».
23.35 XXI аср сари «Садо-99» профессионал қўшиқчилар курик танлови.
00.50 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.35 «Ҳамшаҳарлар».
11.05 Болажонлар экрани.
12.35 «Таянч».
12.55 «Бева Бланка». Телесериал.
13.40 «Дўстлик» видеоканали: «Чинсэн», «Сахий хонадонда».
14.25 «Жума оқшомида».
14.50 «Спорт тайм».
15.15-16.55 «Кинонигоҳ».

*

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош».Мультўплам.
18.10 «Мисли гавҳар».
18.30 «Қонун ҳимоясида».
18.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
22.20 Мусиқий дақиқалар.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 «Кинонигоҳ».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### ЎзТВ IV

9:00 Кўрсатувлар тартиби.
9:05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф: «Коттон» клуби». Бадиий фильм.
11.25 «Жонли сайёра».
11.40 -12.25 «Биргаликда куйлаймиз».

* * *

17:00-18:10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Бинафша».
18.35 Қизил хоч ва қизил ярим ой ҳаракати халқаро кунига: «Бизнинг рамзимиз».Ҳужжатли фильм

*

Россия жамоат телевидениеси
19.00 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».

*

(Давоми 6-бетда).

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



(Охири. Боши 4-5-бетларда).

20.30 Кинематограф: «Ҳукм этилган». Бадиий фильм.
22.05 «Дил изҳори».

*

22.15 Катрин Денев ва Жерар Депардье «Сўнгги метро» фильмида.

*

00.30 «Ахборот»(рус тилида)
00.55 Тунингиз осуда бўлсин!

### 30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.25, 13.50, 18.00, 20.10, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.40 Болалар учун фильм.
12.00 «Тушки кино».
14.10 «Мактаб ўқитувчиси». Кундузги сериал (Франция).
15.00 Ҳинд киноси.
17.15 «Юлдузлар карвони». Мусиқий дастур.
18.25 «Карапуз-ТВ».
18.50 «Келинг, танишайлик». Дам олиш дастури.
19.20 «Акапулько отряди». Детектив сериал (Канада).
20.35 «Клип-совға».
21.30 Мунажжимлар башорати.
21.35 «30-канал»да шанба кинооқшоми.
23.15 «Бедорлик».
01.00 Тунги мусиқий-дам олиш канали.

### РЖТ

7.00 Жанна Прохоренко ва Анатолий Солоницин «Мингдан бир имконият» саргузашт фильмида.
8.20 Мультфильм.
8.25 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
8.45 «Хонаки кутубхона».
9.00, 14.00 — Янгиликлар.
9.15 «100%» дастури.
9.45 «Тонгги почта».
10.20 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
10.50 «Смак».
11.15 Бир нодир асар тарихи.
11.25 «Урушнинг бир неча лаҳзаси».
12.15 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». Махсус кўрсатув.
12.45, 14.15 — Михаил Роммнинг «Оддий фашизм» фильми. 1 ва 2-сериялар.
15.20 «Ҳайвонот оламида».
16.05 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
16.35 «Апокалипсис полицай учун».
17.05 София Ротару «Мени севгил» дастурида.
19.00 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 Леонид Биковнинг «Жангга фақат қариялар борадилар» фильми.
22.15 Биринчи канал коллекцияси. Катрин Денев ва Жерар Депардье «Сўнгги метро» фильмида.

### РДТ

7.00 Наташа Зашипина ва Ада Войцек Виктор Эйсимонтнинг «Бир қиз бор эди» фильмида.
8.10, 8.30 Мультфильмлар.
9.00 «Хайрли тонг, юртим».
9.30 «Ўз-ўзига режиссёр».
10.00 «Юзга бир».
10.45 «Бир боқишда муҳаббат».
11.15 «Олтин калит».
11.30 «Наталья Варлейнинг уй-рўзғор ташвишлари».
12.00 Ғалаба кунига. «Россия урушда. Қордаги қон». Ҳужжатли сериал. 7- фильм.
13.00, 19.00 — «Вести».
13.30 «Ҳукумат ҳафтаси».
14.00 «Сен — менинг куйимсан». А. Пахмутова ва Е. Добронравов концерти.
16.00 «Юлдузлар майдони-99» миллий мусиқа фестивали.
17.00 «Менинг оилам».
18.00 «Эски квартира. 1984 йил». 2-қисм.
19.35 Улуғ Ватан урушининг 54-йиллигига бағишланган байрам концерти.
21.15 Наталья Андрейченко, Инна Чурикова ва Николай Бурляев «Ҳарбий дала романи» мелодрамасида.
22.50 Род Стайгер, Франко Неро, Генри Фонда Карло Лидзанининг «Муссолини. Сўнгги акт» кинодрамасида (Италия).

### ТВ-6

9.05, 19.30, 00.40 — «Йўл назорати».
9.20 Мультфильм.
9.45 «Неонли чавандоз». Сериал.
10.40 «Чердачок». Ҳажвий шоу.
11.00 «Star старт».
11.45 «Миллий география жамияти» билан саёҳат.
12.45, 00.05 — «Диск-канал».
13.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
13.30 ТВ-6 кинотеатри. «Антоша Рибкин».
14.40 «Нью-Йорк, Нью-Йорк».
15.05 «ОСП-студия».
15.55 «Бу — Жириновский!».
16.25 «Дам олиш куни» сериали. «Хазиналар оролига қайтиш».
17.35 «Мен ўзим» ток-шоуси.
18.35 «Чехов ва К». Сериал.
19.45 «Найтмен». Сериал.
20.35 «СВ-шоу».
21.05 ТВ-6 кинотеатри. Р. Майкл Йорк «Барча ўзимизникилар номидан» фильмида (Франция).
23.40 «Кимки...».
00.55 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.05 — 02.30 «Плейбой».

## ЯКШАНБА, 9

*ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ*

### ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Камалак».Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Диёр мадҳи».Мусиқий дастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».Байрам сони.
11.00 «Маҳалламиз болалари».Телемусобақа
11.50 «Мўйқаламни қуролга алмаштириб». С. Абдуллаев.
12.10 «Юрт ўғлонлари».
12.30 «Бардош». Бадиий фильм.
13.45 «Болалигим осмони».Композиция.
14.00 Тошкент шаҳри майдон ва хиёбонларидан репортаж.
14.15 С. Аҳмад «Уфқ». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
15.15 «Олам қўшиққа тўлсин».Мусиқий дастур.
15.50 С. Аҳмад. «Уфқ».Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 2-қисм.
16.50 «Яхшилар ёди». Кинокомпозиция.
17.00 Тошкент шаҳри майдон ва хиёбонларидан репортаж.
17.15 Мушоира.
17.35 «Ўзкинохроника» намойиш этади: «Ал-Фарғоний». Премьера.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож».Телевизион ўйин.
18.20 «Жавҳар».
18.40 «Қўшиғимдасан Ватан». Мусиқий дастур.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Кўнгил».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Эъзоз».
22.45 «Дилларни шод этиб...».
23.20 «Юлдузлар шуъласи». Мусиқий-дам олиш дастури.
00.20 «ТВ-1 намойиш этади».Телеанонс.
00.35 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
01.50 -01.55 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кўҳна ва янги оҳанглар».
10.00 «Очун». Мадаминбек.
10.20 Ш.Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан». Видеофильм.
11.35 «Мусиқий лаҳзалар».
11.40 «Ёнмаган ёзувлар».
12.00 «Бухоройи Шариф». Мусиқий фильм. 2-қисм.
12.35 «Эски альбомдан».
12.40 Бизнес-академия.
13.00 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
14.20 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
14.25 «Азизим»
14.50 «Она қасидаси». 1-қисм.
15.00 Хотира майдонидан репортажи.
15.10 Мусиқий лаҳзалар.
15.20 Синема.
16.50 «Она қасидаси». 2-қисм.
17.00 «Бугуннинг боласи: Биз тинчликни куйлаймиз».
17.20 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус»)

***

18.00 «Хотира майдонидан репортаж».
18.10 «Миллионлар ўйини».
18.35 «Очун». Жалолиддин Мангуберди.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр» Ахборот дастури
19.30 «Хотира». Видеофильм премьераси..
23.00 Эълонлар.
20.20 «Меҳр кўзда». 1-қисм.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
21.35 «Баҳс».
22.05 «Ёшлар» телеканалида.
22.10 «Меҳр кўзда». 2-қисм.
23.05 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.
00.30 Тонг юлдузи.

### ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.50 «Ишдаги ишқ ёки...».
10.20 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
11.05 «Юртим жамоли».
11.30 Болажонлар экрани.
13.10 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
13.30 «Бева Бланка». Телесериал.
14.15 «Жозиба».
14.25-16.05 «Такрорий фильмлар экрани».

* * *

17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.30 «Бир аёл тарихи». Ф. Турғунова.
18.45 «Эл аро инсон азиз».
19.00 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Дурдона».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Етти иқлим садоси».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.00 Санъаткор ижоди. «Ибрат».
23.25 Театр билан учрашув. А.Дельмар. «Ғариблар».Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### ЎзТВ IV

9:00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами»
10:25 «Парле ву франсэ?»
10:50 « Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11:00 «Оскар» мукофоти совриндорлари.1973 йил».
11.20 Кинематограф: «Рампа нурлари». Бадиий фильм.
13.20 «Фан-тайм». ( Болалар учун инглиз тили).
13.30 -14.15 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Айчурек».

* * *

17:00-18:10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 Унутилмас фильм. «Турналар учганда».
20.00 «Время».

*

20.25 «Келажак ҳақида ўйлар».
20.55 «Бу ажиб дунё».
21.15 «Салом, ёшлар».
21.40 «Кинопрофи».
22.05 Якшанба кинозали: «Тўрт хона» .Бадиий фильм (АҚШ)
23.45 «Таҳлилнома» (рус тилида).
00.15 Тунингиз осуда бўлсин!

### 30-КАНАЛ

*9.00—01.00 ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ КИНОМАРАФОНИ.*

### РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!». Байрам кўрсатуви.
9.15 «Россияга хизмат қиламан!»
9.45 «Юлдузли онлар».
10.50 Москва. Қизил майдон. Ғалаба кунига бағишланган ҳарбий парад.
11.30 Клавдия Шульженко, Марк Бернес, Алла Пугачёва, Лев Лещенко ва бошқалар ветеранларнинг талабларига биноан бериладиган байрам концертида.
12.50 «Тириклар ва ўликлар» киноэпопеяси.
16.00 Бу қандай содир бўлган эди? «Мангу олов».
16.40 «Майнинг қисқа тунларида...» Киноконцерт.
17.50 «Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир дақиқалик сукунат.
18.10 «Турналар учганда». Унутилмас фильм.
20.00 «Время».
20.25 Олтин серия. «Белорус вокзали».
22.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. Норвегиядан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.25) — Маданият янгиликлари.

### РДТ

7.00 Мультфильмлар.
7.25 «Ватанимга хизмат қиламан!».
7.55 «Қишлоқ хабарлари».
8.25 «Мени кутгил». Ғалаба кунига бағишланган киноконцерт.
8.45 «Рус лотоси».
9.25 «Виктория». Солдат қўшиқлари фестивали.
10.50 «Москва. Қизил майдон. Ғалаба кунига бағишланган ҳарбий парад».
11.40 «Китоблар олами Леонид Куравлев билан».
12.00 Ғалаба кунига. «Россия урушда. Қордаги қон». Ҳужжатли сериал. 8-фильм.
13.00 «Вести».
13.40 «Ҳеч ким унутилмайди».
13.55 Ғалаба кунига. «Россия урушда. Қордаги қон». Ҳужжатли сериал. 9-серия.
14.50 «Шароев юлдузи».
15.50 Улуғ Ватан уруши фахрийларига бағишланган концерт.
17.50 «Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир дақиқалик сукунат.
18.15 «К-2» таништиради.
19.15 «К-2» кинозали. Пол Скофилд, Мери Стинберген «Болохона: Анна Франкнинг бошпанаси психологик драмасида (Буюк Британия).
21.00 «Кўзгу».
22.00 Сергей Шакуров, Петр Тодоровский, Владимир Гостюхин Марлен Хуциевнинг «Май ойи эди» киноҳикоясида.

### ТВ-6

9.05, 00.15 — «Йўл назорати».
9.20, 9.30, 14.25 — Мультфильмлар.
9.55 «Неонли чавандоз». Сериал.
10.50 «Сирли орол». Сериал.
11.15 «Диск-канал».
11.50, 14.10, 15.15 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
12.00 «Мазаси оғзингда қолади» кўрсатуви.
12.30 «Канон».
13.00 «Шу куннинг олти янгилиги».
13.30 «Star старт».
14.50 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида».
15.30 Рус романслари халқаро кечаси.
16.45 ТВ-6 кинотеатри. В. Шукшин, В. Тихонов, С. Бондарчук «Улар Ватан учун жанг қилганлар» фильмида. 1, 2-сериялар.
19.25 Кино мусиқаси: уруш ҳақида қўшиқлар.
19.50 «Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир дақиқалик сукунат.
20.05 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви.
21.00 «Бизнинг мусиқа»: София Ротару.
22.05 ТВ-6 кинотеатри. Майкл Кейн «Хоулкрофт шартномаси» фильмида.
00.30 — 02.30 Тунги сеанс. «Дашт қутқариб қолди».

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


## АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА КОЛЛЕЖИ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИДА КОЛЛЕЖ ВА ТЕХНИКУМЛАРГА КИРУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРИШЛАРИГА ЁРДАМ ТАРИҚАСИДА БИР ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**ЎҚИШ 1999 ЙИЛ 1 ИЮНДАН МАТЕМАТИКА, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНЛАРИДАН ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

**ЎҚИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ, 20-ДАҲА, КАТТА-ҚАЪНИ КЎЧАСИ, 52-УЙ.**

**ЎҚУВ ЮРТИ БИНОСИДА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЙЁРЛОВ КУРСИ МАШҒУЛОТЛАРИ КОЛЛЕЖ БИНОСИ ЁНИДАГИ 202-МАКТАБДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

***ТРАНСПОРТЛАР: АВТОБУСЛАР: 69, 74***
***ТРОЛЛЕЙБУС: 6. ОХИРГИ БЕКАТ.***
***ТРАМВАЙ: 17 «ТРТ».***
***«РАДИОТЕХНИКУМ» БЕКАТИ.***
***МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 116-76-16, 116-60-71.***
***КЕЧКИ ПАЙТ УЧУН: 72-12-87.***



12 май, соат 10.00
ТошДавТИ тиббиёт билим юртида «ОЧИҚ ЭШИК» лар куни ўтказилади.
Ўрта мактаб битирувчи ўқувчиларини таклиф қиламиз.
*МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, 6-ётоқхона.*
*10э, 28э, 34э, 116э, 82э автобуслар,*
*12-трамвайнинг «34-поликлиника» бекати.*



- *Балонларни ямашга мўлжаллаб жиҳозланган дўкони ҳам бор вагон;*
- *Прораблар вагони;*
- *Чирчиқ шаҳрида дала ҳовли шаклидаги қуриб битказилмаган уйи бор участка*

**СОТИЛАДИ**

Пул ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.
Телефонлар: 35-32-88 — соат 10 дан 17 гача;
60-06-76 — соат 19 дан 22 гача;
63-63-41 — соат 19 дан 22 гача.



## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*
*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.***
**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.**


Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси таниқли ганч санъати устаси Асролҳожи Мухторовга опаси **Маҳсуда АЛИЕВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# СПОРТ — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ




**1-2 май кунлари Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтади**

ЭРТАГА

*Юртимиз спорти тарихида зарҳал ҳарфлар билан ўрин оладиган қутлуғ кун бўлишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор миллий спорт туримиз — кураш бўйича Тошкентда жаҳон чемпионати баҳслари бошланади. Биз ушбу нуфузли мусобақалар арафасида халқаро кураш ассоциациясининг бош котиби Аббос Тўйчибоев билан жаҳон чемпионатига кўрилган тайёргарлик хусусида суҳбатлашдик.*

# ПОЛВОНЛАР БАҲСИГА ТАЙЁРМИЗ

**— Аббос ака, айтингчи, халқаро кураш ассоциацияси томонидан жаҳон чемпионатининг кўнгилдагидек ўтиши учун қандай ишлар амалга оширилди?**

— Албатта, бизнинг олдимизда турган асосий юмушлардан бири, бу — жаҳон чемпионатига ташриф буюрадиган расмий меҳмонлар ва спортчиларни таклиф этиш ҳамда кутиб олиш эди. Шу масала юзасидан тўрт кишидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилиб, улар дунёнинг олтмишдан зиёд мамлакатлари билан боғланиб, мулоқотлар олиб боришди. Ҳаракатларимиз зое кетмади — бугунги кунгача жаҳоннинг 5 қитъасидаги элликдан ортиқ мамлакатдан чемпионатда иштирок этиш учун тасдиқнома тушди. Улар орасида Япония, АҚШ, Англия, Германия, Голландия, Бразилия, Туркия, Польша, Австрия, Болтиқбўйи республикалари, Испания, Норвегия, Венгрия, Ҳиндистон каби етакчи давлатлар бор.

Бундан ташқари, кураш оламидаги йирик мутахассислар ҳам жаҳон чемпионатида иштирок этишади. Европа дзюдо уюшмасининг иккинчи бош котиби Мечислав Бигашевский (Польша), Европа дзюдо уюшмасининг вице-президенти Геннадий Калеткин (Россия), Осиё дзюдо Федерациясининг президенти, Ҳиндистон автотранспорт вазири Жаддиш Татнар, матбуот бўйича эксперт Серго Михайли (Венгрия), Европа дзюдо уюшмасининг биринчи вице президенти Вильям Хофкин (Германия) каби мутахассисларнинг ташрифи турнирнинг обрўйини янада оширишга шубҳа йўқ. Энг муҳими, қатнашчиларнинг деярли барчаси ўз юртларининг энг кучли курашчилари, жаҳон, Европа, Осиё чемпионатлари ва олимпиадаларнинг иштирокчилари, ғолиб ва совриндорлардир.

Меҳмонларга шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида кўплаб экскурсия ташкил қиляпмиз. Улар «Олимпия шоншуҳрати» музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлишади.

**— Беллашувлар қандай вазн-тоифаларида ўтказилади ва спортчиларимиз жаҳон чемпионатига қандай тайёргарлик кўришди?**

— Жаҳон чемпионатига ташриф буюрган полвонлар 73, 90 килограмм ва мутлақ вазнда ўз куч-маҳоратларини намойиш қилиб, ғалаба учун кураш олиб борадилар. Имом ат-Термизий турнирида совринли ўринларни эгаллаган энг кучли курашчиларимизни жалб этган ҳолда «ЖАР» спорт марказида ўқув-машқ йиғинларини ўтказдик. Курашчиларимизга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бердик. Шифокорлар билан таъминладик.

Бош мураббий Эргаш Худоёров бошчилигида Омон Тоймуродов, Нурмуҳаммад Юсупов, Холдор Эргашев каби тажрибали устозлар полвонларимизга катта сабоқ бердилар. Курашчиларимизнинг жисмоний тайёргарлиги ҳолати, ўзаро жанглар натижаси, тест синовлари ва руҳий тайёргарликлари даражасидан келиб чиққан ҳолда улар орасидан 12 нафар энг кучлиларни танлаб олдик.

**— Албатта, жаҳон чемпионати доирасида турли хил халқаро анжуманлар ҳам ўтказилса керак?**

— Шубҳасиз. Бугун халқаро кураш ассоциациясининг конгресси, сўнг ҳакамлар учун семинар ўтказилади.

**— Бирин-кетин турли мамлакатларда кураш федерациялари тузилаётгани тўғрисидаги хабарларни эшитиб кўнглимиз кувончга тўлмоқда. Айтингчи, ҳозиргача қайси давлатлар ўз кураш федерацияларига эга бўлишди?**

— Бизнинг халқаро кураш ассоциациямиз олиб борадиган фаолият йўналишларидан бири ҳам хорижий мамлакатларда кураш федерациялари ишини ташкил этишга кўмаклашишдир. Биз бу йўлда баҳоли қудрат ўз фаолиятимизни олиб бориб, чет мамлакатларга ташкилий томондан ёрдам бермоқдамиз. Кураш федерацияси шу йили биринчи бўлиб Японияда ўз фаолиятини бошлаган бўлса, ҳозирда Боливия, Белоруссия, Литва, Россия ва Хитойда ўз кураш федерацияларига эга бўлишди. Бу жараён тобора кенгайиб бормоқда.

Сўзимнинг охирида фурсатдан фойдаланиб, шаҳримиздаги барча спорт ишқибозларини ушбу улкан оламшумул кураш турнирига таклиф этаман.

**Дилшод ИСРОИЛОВ** суҳбатлашди.

*Сўраган эдингиз...*

# ҒОЛИБЛАР ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

*Шаҳримизда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати баҳслари бошланишини орзиқиб кутяпмиз. Илтимос, газета саҳифаларида беллашув пайтида курашчилар ҳаракати баҳоланадиган сўзлар, ҳар бир ҳаракатга қанча очко берилиши билан таништирсангизлар.*

*Сирожиддин РАҲМАТУЛЛАЕВ, «Тошкентмебель» акционерлик жамияти ишчиси.*

Баҳс таъзим — саломлашиш ибораси ва кураш — бошлаш сўзи билан бошланади.

Беллашувда курашчилар ҳаракати эса қуйидагича баҳоланади ва очколар берилади: Ҳалол — соф ғалаба — 10:0, ёнбош — ярим ютуқ 5:0, чала — энг кичик ютуқ — 3:0, тўхтанг — курашни тўхтатиш ибораси, танбеҳ — биринчи огоҳлантириш — 0:3, дакки — иккинчи огоҳлантириш — 0:5, гиррОм, — охирги огоҳлантириш 10:10, тенг — рақибларда баҳолар бўлмаган ёки баҳолар тенг ҳолат, танбеҳ+чала — 0:1, дакки+ёнбош—0:1, чала+дакки — 0:3, вақт — беллашув вақти тугаганидан кейин айтиладиган сўз.

Агар бир курашчи беллашув вақти ичида «Танбеҳ» огоҳлантиришини ва «Чала» баҳосини олса, вақт тугагандан сўнг 1 очко ҳисобида ғолиб деб топилади. Баҳолар тенг бўлган тақдирда ҳар доим огоҳлантириш натижасида олинган баҳога қараганда усул қўллаб олинган баҳо юқори деб топилади.

Соф ғалаба — «Ҳалол» бериладиган ҳолатлар:

— Усул қўллаб, катта куч ишлатиб тезлик билан рақибнинг икки кураги ҳам тўла гиламга теккизилса;

— рақибни икки марта «Ёнбош» баҳосини олиб йиқитилса;

— соф ғалаба билан ғолиб чиққанга 10 баҳо, мағлуб бўлганга 0 баҳо берилади.

Ярим ютуқ — «Ёнбош» бериладиган ҳолатлар:

— курашчи ўз рақибини катта куч ишлатиб, тез усул қўллаб гиламга йиқитганда (унинг икки кураги тўла тегмасдан, фақат бир кураги тўла теккизилса),

— Курашчининг бирига «Дакки» огоҳлантириш берилса, унинг рақибига 0,5, яъни ғалаба берилади.

— Агар курашчиларнинг бирида «Ёнбош» бўлиб, унинг рақибида беллашув давомида олинган бир неча «Чала» бўлса, ғалаба «Ёнбош» олган курашчига берилади.

— «Ёнбош» баҳосини олганга 5 баҳо, мағлуб бўлганга 0 баҳо берилади.

— Энг кичик ютуқ — «Чала» бериладиган ҳолатлар:

— курашчи ўз рақибини куч ишлатиб, усул қўллаб, орқаси ёки қорни билан гиламга йиқитса.

— «Чала» баҳосини олганга 3 баҳо, мағлуб бўлганга 0 баҳо берилади.

— Агар иккала курашчида баҳолар ҳисоби тенг бўлиб қолса, сўнгги марта усул қўллаб баҳо олган курашчига ғалаба берилади.

— Кураш давомида ҳар иккала курашчида бирорта ҳам баҳо бўлмаган ҳолатда ғолиб қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.



*Жаҳон чемпионатида фақат ғалаба учун беллашамиз.*

*СУРАТДА: (ўртада) Ўзбекистон кураш терма командаси мураббийси Холдор Эргашев шогирдлари (чапда) Эгамназар полвон Акбаров ҳамда (ўнгда) Муҳаммаддўст полвон Тошевлар даврасида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

# ҚАДИМИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ ТИКЛАНМОҚДА

*Спортнинг қадимий тури ҳисобланмиш ўзбек курашини жаҳон маданияти, умуминсоний қадриятларнинг ажралмас бир бўлагидир, десак адашмаймиз.*

Кўп қиррали, турли хил усулларга ва фазилатларга бой полвонлик санъати қадим замонлардан мавжуд бўлган. Манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, 5000 йиллик тарихга эга. Юртимизда полвонлик санъати қадим замондардан тўй, сайиллар, байрамларда намойиш қилинганлиги маълум бўлади. Спортнинг бу тури ижтимоий иқтисодий, сиёсий ҳаёт билан бевосита боғлиқ бўлган. Амир Темур даврида у давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Манбаларда ёзилишича, бу даврда кураш ҳарбий мақсадларда ва умумхалқ томошаси сифатида кенг тарқалган. Ўша пайтларда миллий курашнинг 400 га яқин усуллари мавжуд бўлиб, улар спорт, жанговар ва халқ кураши шаклида қўлланилган. Кураш марказлашган давлатни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилган.

Ўзбек кураши, полвонлик тўғрисида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида, Табарийнинг «Тарихи»да, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Херман Вамберининг Туркистонга оид илмий мероси ва бошқа қатор тарихий манбаларда, адабиётнинг турли жанрларида ёзилган асарларда сўз юритилади. Ушбу асарларда спортнинг бу қадимий тури туркий халқлар турмуш тарзининг таркибий қисми бўлганлигини кўрамиз. Бу йил нишонланаётган «Алпомиш» достонида ҳам ўзбек полвонининг иймон-эътиқоди ва бошқа маънавият қирралари акс этгандир.

Ўзбекистон мустақилликка юз тутгандан кейин ўтмишнинг хайрли ва файзли анъаналари тикланиб, республикамиз Президентининг қўллаб-кувватлашлари билан мамлакатимизда миллий кураш федерацияси ташкил қилинди.

Миллий кураш ва унинг анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш, полвонлик санъатини тарғиб қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун курашнинг катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, федерация томондан қатор халқаро кураш мусобақалари ўтказилди.

Сурхондарё вилоятида Ат-Термизий, Шаҳрисабзда Амир Темур, Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хивада Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтказилган ва Халқаро мусобақа мақомини олган қатор турнирларда мутлақ ғолиб полвонлар сафининг ўсиши билан бирга, бу санъатнинг ҳам ахлоқий, ҳам санъат жиҳатидан янгидан-янги қирралари намоён бўлди. У Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам эътироф этилди. Бу санъатга халқ орасида қизиқиш ошди. Ҳозирги вақтда юртимизда миллий кураш билан бир миллиондан ортиқ киши шуғулланмоқда.

1998 йилнинг сентябрь ойида 28 давлатдан келган вакиллар иштирокида Тошкентда Халқаро кураш ассоциациясининг тузилганлиги, ассоциация конгрессининг Тошкентда 1-2 май кунлари кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан дунё миқёсида шу чемпионатга катта тайёргарлик билан келинганлиги ўзбек курашининг халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

## Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Одамлар билан муомала қилаётганда эҳтиёт бўлмоқ, рост билан ёлғон сўзни фарқлай билмоқ керак. Хушомад ботқоғига ботган, нафсга тинимсиз сайқал бериб, уни бу дарддан ҳалос қилиш йўлини тутмоқ лозим. Хушомад сўзини кўп айтадиганлар кўп бўлганидек, рост сўзни чин дилдан эшитадиганлар ҳам камдир. Бу борада ибрат кўзини очиб, фаросат билан иш тутмоқ лозим.

● Буқрот ҳаким шундай деган эди: «Билмаган нарсангни биладигандек гапирма, керак бўлмаган нарсани қидирма, билмаган йўлингдан юрма, яхши сўзни ким гапиришдан қатъи назар тингла, яхши сўз бир гавҳарки у ҳеч вақт ўзгармайди. Нимани билмасанг, сўраб ўрган, қилган ёмон ишларингга қайғурки, бундай ишдан афсусланмаслик яна баттарроқ хато қилишга олиб келади. Шеър:

*Агар сендан хато юз берса ундан кўп надомат чек,*
*Хатодан кимки ибрат олмаса кўплаб хато қилғай!*

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ.**

● Эй фарзанд, ҳеч қачон бадгумон ва эгри фикрли бўлма! Бадгумонлик сени барча дўстларингдан узоқлаштиради ва ёлғизлатиб қўяди.

● ҲИКОЯТ. Бир киши бир улуғ киши ҳузурига келиб, ундан: Эй фозил киши, одам дунёда қандай яшаши, қандай йўл тутиши керак?» деб сўради. У киши шундай деб жавоб қилди: «Шод яша, доимо хурсандчилик пайида бўл, ҳар нарсага ғам чекаверма, яхшилик уруғини экиб, омонлик ҳосилини олишга урин. Дунё шундайки, унда хатарли йўллар кўпдир. Баъзан бу йўллар устига баргу хашак ташлаб қўйилган чоҳга ўхшайди. Шунинг учун бу йўлдан юрган пайтда аввало яхшилаб ўйлаш, тойиб кетмаслик чорасини кўриш керак. Дунё шундай бир экинзорки, экилган нарсаларни лутфу карам суви билан суғор. Ундан топган обрў-эътибор ҳосилини ҳирс ва тама ҳужумидан асра!». Шеър:

*Дунёга боқ, ичи жуда ажойиб,*
*Кўз очиб юмгунча бўлади ғойиб!*

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.**

● Чақимчи шундай кишики, бирор ерда эшитган гапини дарҳол бошқа одамга бориб айтади, натижада икки одам орасида фитна туғдиради. Покдил киши бировдан эшитган гапни бировга айтмайди. Жимлик ва сукут йўлини ихтиёр этади. Агар унга биров гап ташиб келса унинг гапига ишонмайди, чақимчига танбеҳ беради ва иккинчи марта бундай иш қилмасликка даъват этади.

● Арасту айтади:

— Ростлик йўлида ўлиш ёлғончи бўлиб узоқ яшашдан афзал!

Аммо айтишларича, тўғри сўз ҳар нарсадан яхши. Бироқ ёлғончи ва чақимчидан эшитилган тўғри сўз ҳам ёқимсиздир. Чунки уларнинг айтган тўғри сўзлари ҳам одамлар орасида ёлғон сўзлари каби фисқу фасод қўзғотади.

● Биров сени ўзингда йўқ сифатлар билан мадҳ этса, ундай одамга ишонма, чунки ўша сенда йўқ ёмон сифатлар билан ўзга ерда сени ёмонлашга қодир.

***«Фавоиҳ ал-Жуласо»дан.***

● Исрофгарчилик ақлга зид ишдир. Исроф деганда кераксиз нарсаларга беҳуда пул сарф этиш, фойдасиз сарфлаш тушунилади. Исрофгарчиликнинг охири ҳалокат билан тугайди. Исрофчи одам қанчалик бой бўлмасин, барибир оқибатда камбағалга айланади. Чунки исрофчининг сарф эшиги очиқ бўлиб, тежами эса йўқ бўлади. Очиқ эшикдан ҳар нарса кира олгани каби камбағаллик ҳам кириб келади.

● Тўғри сўзли киши барчанинг эътиборини қозонади. Яхши ишидан янада улуғроқ мартабаларга тавсия этилади. Қадр-қиммати ортади, ҳамма ерда сўзи мақбул бўлади. Ёлғончи эса бу нарсаларнинг барчасидан маҳрум бўлиб, унинг орқасидан одамлар нафрат билан қарашади. Ёлғончи ёлғон сўзи билан ўзгаларнинг обрўйини тўкмоқчи, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўлади. Ваҳоланки, унинг ёлғон сўзлари ўзи учун зиён бўлиб чиқади.

***Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ.***

● ҲИКМАТ: Уч нарса уч нарсада бўлмайди: дўстлик лақмада, шафқат серғазабда, ҳалоллик очкўзда! Байт:

*Ғазабни сўндириш, гапни кам қилиш,*
*Яхши кишиларнинг эзгу хислати.*
*Нафсингдан ҳазар қил имкон борича,*
*Очкўзнинг дилида бўлмас ҳиммати!*

***Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.***

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.**

## ҚАЛИН УЧУН — КЎЗОЙНАКЛИ ИЛОН

***Жаҳон мамлакатларида қанча халқ яшаса, барида турли урф-одатлар мавжуд. Улар миллийлиги билан бир-биридан ажралиб туради.***

Чунончи, Шри-Ланканинг шимоли-ғарбидаги Ванин вилояти халқлари ўз урф-одатлари билан бошқа халқлардан айниқса кескин ажралиб турадилар. Бу вилоят чангалзор орасида жойлашган бўлиб, турли ваҳший ҳайвонлар, кобранинг ватани ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, бу вилоятнинг хотин-қизлари, ёшу қариялари ҳам довюрак бўлишиб, болаларини ҳам ёшлигидан илонлар оғушида тарбиялашади.

Энг муҳими, ванинликлар ўта чаққон, чапдаст, қаддиқоматлари келишган, гўзалликда танҳо бўлишиб, бошқа ўлкаларга боришиб най чалиб илонларнинг ажиб ўйинларини намойиш қилишади. Табиат гўзаллик ато этган зебо аёллари эса фолбинликлари билан Шри-Ланкада ном чиқаришган. Бу қабилага катта ҳурмат соҳиби, жасурликда, чаққонликда тенги йўқ Коралде исмли қария бошчилик қилади.

У жанжал, келишмовчилик бўлса, икки тараф шикоятини тинглаб, ҳукм чиқариб, адолатли иш олиб боради.

Кумбукаева қишлоғи қизлари ўта гўзал бўлгани учун бу ерда ўзга қишлоқлар йигитларига қиз беришмайди. Ўз қишлоғи йигитларига жуда ёш эрга беришади. Бу қабиланинг одати бўйича, йигит томон қизнинг ота-онасига қалин сифатида катта кўзойнакли заҳарли илон — кобра ва ажиб садолар чиқарадиган найни нафис тўқилган саватга солиб борадилар. Бу жасорат белгисидир. Улар заҳарли илонларни тутган заҳотиёқ заҳарли тишларини суғуриб ташлаб зарарсизлантирадилар. Уларнинг заҳарли илонлардан қўрқмасликларининг сабаби, заҳарнинг кучини кесадиган дори олиб юришларидир.

### Турфа олам

## ШОҲОНА ТЎЙ НАСИБ ЭТСИН

***Ҳа, турфа дунё халқларининг урф-одатлари ҳам турлича. Масалан, инсон ҳаётидаги энг қувончли воқеалардан бири бўлмиш тўйнинг ўз нишонланиш саналари бор.***

Шуни айтиш керакки, барча фуқаролар, айниқса ёшлар турмуш қурганларидан кейин, маълум муддат ўтгач, қандай тўй нишонланишини билишмаса керак. Қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Турмуш қурилганига бир йил тўлганда — чит тўй нишонланади. Икки йилда — қоғоз тўй. Беш йилда эса ёғоч тўй байрам қилинади, ўн йилда — атиргул тўй, ўн беш йилда — шиша тўй, йигирма йилда — чинни тўй, йигирма беш йилда — кумуш тўй, ўттиз йилда — марварид тўй, ўттиз беш йилда — платина тўй, қирқ йилда — ёқут тўй, эллик йилда — олтин тўй, олтмиш йилда — олмос тўй, етмиш йилда — фаровон тўй, етмиш беш йилда эса шоҳона тўйлар байрам қилиниши одат тусига кирган.

Мана, азизлар, тўйларни нишонлаш муддатлари билан танишиб олгансиз, барчангизга шоҳона тўйни нишонлашиб, қўша қаришингизни чин қалбимиздан тилаймиз.

**Турсун АЗЛАРХОНОВ.**

### Бўш вақтингизда

## БОШҚОТИРМА



1. Сўфийлик босқичларидан бири. 2. Беморларни даволовчи. 3. Киши ияги остидаги етилган эт. 4. Олма нави. 5. Шаҳар транспорт тури. 6. Балоғатга етган ўғил бола. 7. Атроф-муҳит. 8. Гўза қисми. 9. У бўлмаса самолётлар учолмайди. 10. Озарбайжон ёзувчиси А. Ширвонзода асари. 11. Поляк интервентларига қарши озодлик учун кураш қаҳрамони. 12. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг тахаллусларидан бири. 13. Эрталабки тамадди. 14. Собиқ Иттифоқ давридаги кашшофларнинг лагери. 15. Китсимонларнинг бир тури. 16. Раққосалар хироми ўхшатиладиган парранда. 17. Соғлиғи яхши, эсон-соғлиқ. 18. Ёнғинда ҳосил бўладиган газсимон моддалар мажмуи. 19. Тузнинг сувдаги эритмаси. 20. Ҳинд сари юзланиб, ўз юртини соғинган аллома. 21. Турли йўллар билан ўз маҳсулотини тарғиб қилиш. 22. Янги туғилган чақалоқ шарафига бериладиган зиёфат. 23. АҚШдаги штат. 24. Покиза, тоза. 25. Санъатнинг сўз ва тил воситасида бадиий асарлар яратувчи соҳаси. 26. Айби борнинг...си қалтирайди. 27. Қадимда: ариза ёзиб берувчи. 28. Ҳужжат, далил. 29. Техника машинаси. 30. Христиан динидаги монах. 31. Гальваник аккумулятор. 32. Умумий, ягона.

**Бошқотирмани Фаёз АБДУҚАҲҲОР ўғли тузган.**

## 19 ФЕВРАЛДАГИ БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

**ЭНИГА:** 1. Парвоз. 4. Арахис. 7. Олмазор. 9. Шашт. 10. Қирқ. 11. Изғирин. 12. Китоб. 16. Аччиқ. 19. Парвона. 21. Арра. 22. Анча. 23. Камалак. 24. Обуна. 25. Арава. 31. Романов. 35. Асал. 36. Пари. 37. Фаришта. 38. Индира. 39. Томоша.

**БЎЙИГА:** 1. Пашмак. 2. Рашк. 3. Зомин. 4. Арена. 5. Хоин. 6. Сўқмоқ. 8. Азизов. 13. Инқилоб. 14. Олмахон. 15. Андоза. 17. Чоракор. 18. Икромов. 20. Аралаш. 24. Арпа. 25. Ойначи. 27. Андиша. 28. Арафа. 29. Овқат. 30. Мард. 32. Марс. 33. Наша. 34. «Садо».

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0269. Босишга топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6